

20__ йил “__” ____ даги № ____
чет эл валютасидаги банк
ҳисобварағи шартномасига
____-илова

Чет эл валютасини сотиб олиш бўйича ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Ушбу Оммавий оферта шартномаси (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, банк миждларининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозоридан чет эл валютасини сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади.

Оммавий оферта шартномаси Мижд томонидан банк ҳисобварағи очиш юзасидан муружаат қилинган аризани тақдим этиш билан ёхуд ушбу шартномага илова қилинган аризани, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда мижд мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини аниглайди.

1.Шартнома предмети

1.1. Банк Мижднинг топшириғига кўра, унинг номидан ва унинг ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг (кейинги ўринларда "ЎзРВБ") савдо сессияларида ҳамда Банкнинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан чет эл валютасини (бундан буён матнда "валюта") сотиб олиш бўйича операцияларни амалга оширади, мижд банк томонидан амалга оширилган операциялар учун Банк тарифларида белгиланган миқдорда комиссия тўлайди.

1.2. Чет эл валютасини сотиб олиш Мижднинг ушбу шартномага илова қилинган шаклдаги буюртмани ёзма/ёки банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш хизматларидан фойдаланган ҳолда тақдим этиши орқали амалга оширилади.

1.3. Мижд томонидан буюртманомга тақдим этиш чоғида Банкдаги махсус ҳисобварағида хорижий валютани сотиб олиш учун етарли миқдорда захирага олинган маблағлари мавжуд бўлиши лозим.

1.4. Буюртманомда сотиб олинган валюта тури, миқдори ва алмашинув курси, шунингдек сотиб олинган валютадан фойдаланиш мақсади кўрсатилган бўлиши.

2.Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Мижднинг мажбуриятлари:

2.1.1. Чет эл валютасини сотиб олиш, банк комиссияси ҳамда валюта курси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, етарли бўлган пул маблағини, банкда очилган 22613-баланс ҳисобварағи (махсус ҳисобварақ)да миллий валютада захира қилиш;

2.1.2. Чет эл валютасини сотиб олиш тўғрисида буюртманомга тақдим этиш;

2.1.3. Сотиб олинган чет эл валютасини қирим қилиш учун 22614 (бундан буён матнда "Валюта ҳисобварағи") ҳисобварағини очиш;

2.1.5. Чет эл валютасини сотиб олиш учун амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш.

2.1.6 Сотиб олинган чет эл валютасини буюртманомда кўрсатилган мақсадларда ва амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган муддатда фойдаланилиш;

2.2. Банкнинг мажбуриятлари:

2.2.1. Мижоз томонидан берилган буюртманомани 3 (уч) иш куни ичида кўриб чиқиш;

2.2.2. УзРВБ савдо сессиясида сотиб олинган чет эл валютасини маблағлар Банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушгандан кейин 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай, мижоз номига очилган махсус ҳисобварағига ўтказиш;

2.2.3. Чет эл валютаси Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинганда, операция амалга оширилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан мижоз номига очилган махсус ҳисобварағига ўтказиш;

3. Томонларнинг ҳуқуқлари

3.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда чет эл валютасини сотиб олиш юзасидан буюртманомалар тақдим этиш;

3.1.2. Чет эл валютасини сотиб олиш юзасидан операциялар бажарилгунига қадар, буюртманомани бекор қилиш;

3.1.3. Сотиб олинган чет эл валютасини ушбу шартномада белгиланган муддатларда махсус ҳисобварағларига ўтказилишини талаб қилиш;

3.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

3.2.1. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига зид равишда тақдим этилган буюртманомаларни қабул қилмаслик;

3.2.2. Сотиб олинган чет эл валютасини амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган муддатда фойдаланилмаган тақдирда ёки қайтиб келган чет эл валютасини мижознинг махсус ҳисобварағидан акцептсиз равишда ечиб олиб, қайта савдога қўйиш;

3.2.3. Мазкур шартномага асосан амалга оширилган операциялар учун комиссия тўловларини мижознинг махсус ҳисобварағидан акцептсиз равишда ечиб олиш;

4. Комиссия миқдори ва тартиби

4.1. Банк чет эл валютасини сотиб олиш/сотиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширганлиги учун Мижоз Банк Тарифларида белгиланган миқдорда комиссия тўлайди.

4.2. Мазкур шартнома бўйича кўрсатилган операциялар учун комиссия Фуқаролик кодексининг 780 ва 783-моддаларига асосан, Банк томонидан мемориал ордер ёки тўлов талабномаси орқали Мижознинг розилигиз (акцептсиз) тартибда ундириб олинади. Мижознинг ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолатда мемориал ордер ёки тўлов талабномаси 2-сонли Картотекага кирим қилинади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Банкнинг мажбуриятлари:

5.1.1. Мижоздан қабул қилинган аризаларини ушбу шартнома шартларига асосан бажариш;

5.1.2. Мазкур шартномага асосан операция амалга оширилган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай чет эл валютасини ўтказиш;

5.2. Мижознинг мажбуриятлари:

5.2.1. Банкка ушбу шартномага 1-иловада кўрсатилган шаклда чет эл валютасини сотиб олиш учун ариза тақдим этиш;

5.2.2. Чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалга оширилган операциялар учун банк комиссиясини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

5.2.3. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги талабларига риоя қилиш.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига

мувофиқ жавобгар бўладилар.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Шартнома тузилганидан сўнг, бир томон иккинчи томон олдида уларнинг ихтиёри ва хоҳишидан ташқари, олдиндан кўриб бўлмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган, жумладан, сув тошқини, ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида келиб чиққан вазиятларда мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

9. Бошқа шартлар

9.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда акцептланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунига қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома мижоз томонидан ёзма равишда мурожаат қилган ҳар қандай вақтда, шунингдек мижоз фаолияти белгиланган тартибда тугатилган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.